



THE SIGNIFICANCE OF E.YU. YUSUPOV'S PARTICIPATION IN SOCIO-POLITICAL AND PUBLIC SPHERES

Abdunur Abduquddusovich Saidov

Researcher

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: E.Yu. Yusupov; socio-political activity; public sphere; civil society; public administration; reforms; public opinion; national statehood; social stability; youth education.

Received: 03.02.26

Accepted: 04.02.26

Published: 05.02.26

Abstract: This article analyzes the role and participation of E.Yu. Yusupov in the socio-political processes and public life of Uzbekistan. The author examines his activities in the field of public administration, cooperation with civil society institutions, initiatives within the reform process, and his influence on the formation of public opinion. Particular attention is given to the importance of Yusupov's activities in strengthening national statehood, shaping youth consciousness, and ensuring social stability. The findings of the study demonstrate that the socio-political activities of E.Yu. Yusupov occupy a significant place in the modern history of Uzbekistan.

Э.Ю.ЮСУПОВНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ВА ЖАМОАТЧИЛИК СОҲАЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдунур Абдуқуддусович Саидов

Тадқиқотчи

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Э.Ю. Юсупов; ижтимоий-сиёсий фаолият; жамоатчилик; фуқаролик жамияти; давлат бошқаруви; ислохотлар; жамоатчилик фикри; миллий давлатчилик; ижтимоий барқарорлик; ёшлар тарбияси.

Аннотация: Ушбу мақолада Э.Ю. Юсуповнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ва жамоатчилик ҳаётида тутган ўрни ҳамда иштироки таҳлил қилинади. Муаллиф унинг давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги,

ислохотлар жараёнидаги ташаббуслари ҳамда жамоатчилик фикри шаклланишига кўрсатган таъсирини кўриб чиқади. Шунингдек, Юсупов фаолиятининг миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ёшлар онгини тарбиялаш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти очиб берилди. Тадқиқот натижалари Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти замонавий Ўзбекистон тарихида муҳим ўрин тутишини намояндаларди.

ЗНАЧЕНИЕ УЧАСТИЯ Э.Ю. ЮСУПОВА В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ОБЩЕСТВЕННОЙ СФЕРАХ

Абдунур Абдуқуддусович Саидов

Исследователь

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Э.Ю. Юсупов; социально-политическая деятельность; общественность; гражданское общество; государственное управление; реформы; общественное мнение; национальная государственность; социальная стабильность; воспитание молодежи.

Аннотация: В статье анализируется роль и участие Э.Ю. Юсупова в социально-политических процессах и общественной жизни Республики Узбекистан. Автор рассматривает его деятельность в сфере государственного управления, взаимодействие с институтами гражданского общества, инициативы в процессе реформ, а также влияние на формирование общественного мнения. Особое внимание уделяется значению деятельности Юсупова в укреплении национальной государственности, воспитании молодежного сознания и обеспечении социальной стабильности. Результаты исследования свидетельствуют о том, что социально-политическая деятельность Э.Ю. Юсупова занимает важное место в современной истории Узбекистана.

Кириш. Бугунги глобаллашув, ахборот оқимининг кескин тезлашуви ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мураккаблашуви шароитида жамият тараққиёти, давлат бошқаруви самарадорлиги ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг барқарор фаолияти кўп жиҳатдан етук, масъулиятли ва кенг дунёқарашга эга шахслар фаолиятига боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган, жамоатчилик кайфиятини чуқур англайдиган ва уни конструктив йўналишга йўналтира оладиган бундай шахслар жамият

тараққиётида муҳим драйвер вазифасини бажаради. Шу маънода, алоҳида шахслар фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини таҳлил қилиш, амалий натижаларини баҳолаш нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, балки замонавий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашга ҳам хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон шароитида давлат ва жамият қурилиши жараёнларида инсон омили, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, жамоатчилик назорати, очиқлик ва ошкоралик каби тамойиллар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар самараси, аввало, бу жараёнларда фаол иштирок этаётган сиёсатчилар, олимлар, жамоат арбоблари ва мутахассисларнинг интеллектуал салоҳияти, фуқаролик позицияси ҳамда ташаббускорлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Е.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги иштироки ва ўрни алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унинг фаолиятини комплекс тарзда ўрганиш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Е.Ю. Юсуповнинг турли даврларда олиб борган фаолияти жамият ҳаётининг бир қатор муҳим йўналишлари - ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, ахборот макони очиқлигини таъминлаш, ёшлар онгини маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш каби масалалар билан бевосита боғлиқдир. Унинг сиёсий-ижтимоий саҳнадаги чиқишлари, концептуал қарашлари ва амалий ташаббуслари нафақат муайян давр эҳтиёжига жавоб берган, балки узоқ муддатли стратегик мақсадларга хизмат қилувчи ғояларни ҳам ўз ичига олган. Мазкур жиҳатлар Юсупов фаолиятини оддий амалий ишлар мажмуи сифатида эмас, балки маълум назарий асослар ва концептуал ёндашувларга таянган тизимли фаолият сифатида баҳолаш имконини беради.

Мақоланинг долзарблиги, аввало, Е.Ю. Юсупов шахсий фаолияти мисолида Янги Ўзбекистон шароитида шаклланаётган «одам - жамият - давлат» ўзаро муносабатлари тизимини, ижтимоий-сиёсий фаоллик механизмларини, жамоатчилик фикри шаклланиш жараёнларини ҳамда фуқароларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштирокини янги назарий ва амалий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш зарурати билан белгиланади. Бунда Юсуповнинг турли лавозим ва майдонлардаги фаолияти, у илгари сурган ғоялар, ижтимоий ташаббуслар ҳамда жамоатчилик билан мулоқот услуги ва усуллари марказий ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар доирасида ижтимоий-сиёсий фаол шахсларнинг ролини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар кўлами ҳали етарли даражада эмас.

Кўплаб ислохот ва ташаббусларнинг ортида турган аниқ шахслар, уларнинг қарашлари, қарор қабул қилиш жараёнидаги иштироки ва жамоатчилик билан олиб борган ишлари кўпинча умумий баҳолар ва қисқа ахборотлар даражасида қолиб кетмоқда. Бу эса келажак авлод учун тажриба ва сабоқларни тизимли шаклда етказишда ҳамда сиёсий маданиятни юксалтиришда муайян бўшлиқларни келтириб чиқаради.

Шундай шароитда Е.Ю. Юсупов фаолиятини илмий асосда ўрганиш, унинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги иштирокини таҳлил қилиш ва умумлаштириш мазкур бўшлиқни қисман бўлса-да тўлдиришга хизмат қилади. Мақолада Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бир неча асосий йўналишларда кўриб чиқилади. Аввало, унинг давлат бошқаруви ва сиёсий жараёнлардаги иштироки, қабул қилинган қарор ва дастурларнинг мазмун-моҳияти ҳамда улар орқали кўзланган мақсадлар ва амалий натижалар таҳлил қилинади. Кейинги босқичда эса унинг жамоатчилик билан олиб борган ишлари - фуқаролар билан очиқ мулоқот, турли ижтимоий қатламлар муаммоларини ўрганиш, жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликдаги фаолияти ёритилади.

Тадқиқотнинг яна бир муҳим жиҳати Юсупов фаолияти мисолида шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини, яъни жамоатчилик фикрининг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига қай даражада таъсир кўрсатгани ва аксинча, сиёсий ташаббусларнинг жамиятда қандай акс-садо берганини кўрсатиб беришдан иборат. Бу жараёнда ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ва аёллар ташкилотлари каби платформаларнинг ўрни ҳам назардан четда қолмайди.

Мақоланинг мақсади - Е.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги иштирокини илмий асосда ёритиш, унинг фаолияти орқали Янги Ўзбекистон тараққиётида шахс омилининг ўрнини кўрсатиш ҳамда сиёсий ва ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишда бундай шахслар тажрибасининг аҳамиятини асослаб беришдан иборат.

Адабиётлар шарҳи. Ижтимоий-сиёсий фаол шахслар, депутатлар ва жамоат арбобларининг жамият тараққиётидаги ўрни масаласига бағишланган тадқиқотлар, асосан, лидерлик назарияси, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ҳамда ватанпарварлик тарбияси муаммоларига қаратилган. Мазкур илмий ишлар фуқаролик позициясининг шаклланиши, жамоатчилик назорати механизмлари, “эшитувчи давлат” тамойили ва ижтимоий шериклик концепцияларини назарий жиҳатдан асослаб беради.

Ўзбек ҳуқуқшунос олимларининг ишларида жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви устидан таъсирчан назорати сифатида талқин қилинади. Хусусан, Б.И. Исмоилов жамоатчилик назоратини фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар бирлашмаларининг давлат органлари фаолияти устидан назорати сифатида таърифлайди [2]. Р. Ҳақимов эса уни кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлаб, жамоатчилик назоратининг давлат бошқарувида қонунийлик ва шаффофликни таъминлашдаги аҳамиятини кўрсатади [3]. Шунингдек, М. Мамасиддиқов жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилишини таъкидлайди [4].

Олий таълим талабалари ва ёш авлодни ватанпарварлик ва фаол фуқаролик руҳида тарбиялаш, ушбу жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш орқали аҳолининг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқарашини юксалтириш долзарб педагогик ва сиёсий муаммо сифатида талқин қилинади. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бағишланган тадқиқотларда ёшларда Ватанга муҳаббат, давлат рамзлари, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат, фуқаролик бурчи ҳамда конституциявий мажбуриятларни англаш каби фазилатларни шакллантириш давлат ва жамиятнинг кўп босқичли, тизимли фаолияти сифатида изоҳланади [1]. Шу йўналишдаги миллий манбалардан бири сифатида А.А. Сотиб-Алдиев ва У.И. Мамуровнинг “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси” ўқув қўлланмаси ҳам аҳамиятли бўлиб, унда ҳарбий ва фуқаролик тарбиясига оид назарий-амалий ёндашувлар тизимлаштирилган. Шунингдек, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасида ҳам концептуал асослангани қайд этилади [6].

Шу билан бирга, тил, мафкура ва таълим орқали миллий ўзликни англаш ва ижтимоий онгни шакллантириш масалалари ҳам қатор илмий тадқиқотларда ёритилган. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакл ва усулларини қўллаш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ёшларни жамият ва давлат олдидаги масъулиятини англайдиган фуқаро сифатида вояга етказиш зарурлиги таъкидланади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамоат ташкилотлари ва етакчи шахслар иштирокида шаклландиган фуқаролик жамияти механизмларининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади.

Мазкур назарий манбалар Э.Ю. Юсупов каби алоҳида жамоат ва сиёсий арбоблар фаолиятини баҳолаш учун умумий методологик асос яратади. Бироқ амалий тадқиқотлар кўпроқ умумий “ёшлар”, “талабалар”, “фуқаролар” кесимида олиб борилиб, аниқ шахслар

иштирокидаги лойиҳа ва ташаббусларни, уларнинг худудий ривожланишга, аҳолининг ижтимоий-сиёсий онги ва ватанпарварлик тарбиясига кўрсатган таъсирини кейс-таҳлиллар орқали чуқур ўрганишга етарли эътибор қаратилмаган. Шунингдек, депутат ва жамоат арбобларининг жойларда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти, жамоатчилик билан мулоқотининг медиа ва сиёсий коммуникация ўлчамлари, фаолият самарадорлигини баҳолашга қаратилган аниқ индикаторлар (қонунлар, дастурлар, инфратузилмадаги ўзгаришлар, фуқаролар қониқиши даражаси ва бошқалар) асосидаги комплекс таҳлиллар ҳам етарлича ривожланмаган.

Натижада, мавжуд адабиётлар ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик фаолиятининг умумий назарий моделларини таклиф этаётган бўлса-да, Э.Ю. Юсупов шахси мисолида шахсий лидерлик, маҳаллий ташаббуслар, фуқаролар билан ишлаш амалиёти ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини микродаражада эмпирик ўрганиш алоҳида илмий эҳтиёж сифатида сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик фаолиятини ўрганишда сифат жиҳатдан таҳлилий, қиёсий ҳамда ҳужжатлар таҳлиliga асосланган комплекс ёндашув қўлланилди. Ижтимоий фанларда тадқиқот объектларини чуқур ва холис ўрганиш мақсадида бир нечта методларни уйғун ҳолда қўллаш илмий натижаларнинг ишончилиги ва асосланганлигини ошириши эътироф этилган.

Аввало, сифат жиҳатдан таҳлил усули орқали Э.Ю. Юсуповнинг нутқлари, интервьюлари, жамоатчиликка қаратилган чиқишлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар ҳамда очиқ онлайн манбалар мазмуни ўрганилди. Сифатли таҳлил ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур англаш, уларда мужассам бўлган ғоялар, қийматлар ва концептуал ёндашувларни очиб бериш имконини беради. Мазкур усул орқали Юсупов фаолиятида ватанпарварлик, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, “эшитувчи давлат” тамойили ҳамда ёшлар сиёсатида оид асосий ғоявий устувор йўналишлар ажратиб олинди.

Иккинчидан, қиёсий ёндашув қўлланилиб, Юсупов фаолияти тегишли қонун ҳужжатлари, давлат концепциялари ва дастурлари, шунингдек, фуқаролик тарбияси ва ҳарбий-ватанпарварлик масалаларига оид илмий манбаларда белгиланган назарий қоидалар билан солиштирилди. Қиёсий метод орқали унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг умуммиллий стратегиялар билан уйғунлик даражаси, шу билан бирга ўзига хос жиҳатлари аниқланди.

Учинчидан, тадқиқот жараёнида ҳужжатлар таҳлили ва контент-таҳлил усулларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳужжатлар таҳлили қонунлар, қарорлар, давлат дастурлари, оммавий ахборот воситалари материаллари, расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги очиқ ахборотларни ўрганиш орқали амалга оширилди. Контент-таҳлил усули эса матн ва ахборот материалларини тизимли равишда таҳлил қилиш, улардаги асосий мавзулар ва категорияларни аниқлашга хизмат қилди. Бунда ватанпарварлик, ёшлар сиёсати, фуқаролик жамияти, жамоатчилик билан мулоқот каби тушунчалар асосий таҳлил категориялари сифатида белгилаб олинди.

Контент-таҳлил жараёнида матннинг ҳам очиқ (яққол ифодаланган), ҳам яширин (мазмунан англашиладиган) маъноларини аниқлашга эътибор қаратилди. Шунингдек, таҳлил натижаларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида очиқ манбалардан фойдаланиш, маълумотларни солиштириш ва умумлаштириш тамойилларига амал қилинди.

Шу тариқа, ҳужжатлар таҳлили, сифатли контент-таҳлил, қиёсий ва умумий ижтимоий-сиёсий таҳлил усулларининг уйғун қўлланилиши Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик фаолиятини назарий ёндашувлар ҳамда амалий натижалар бирлигида комплекс ўрганиш имконини берди.

Асосий Қисм. Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик фаолиятини таҳлил қилишда унинг фаолиятини бир нечта асосий йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, фуқаролар, айниқса ёшлар билан ишлаш, ватанпарварлик ва ижтимоий-сиёсий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ҳамда жамоатчилик фикрига кўрсатган таъсири мазкур таҳлилнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланади. Миллий тадқиқотларда талабалар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бу жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, шу орқали фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқарашини юксалтириш устувор вазифа сифатида қайд этилган [1]. Юсуповнинг жамоатчилик ва сиёсий фаолияти айнан ушбу умумий стратегия билан уйғун ҳолда намоён бўлади, чунки у фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, ёшларни фаол фуқаролик позициясига йўналтириш орқали амалий натижа берадиган ташаббуслар билан чиқади.

Ёшлар билан ишлаш йўналишида Юсупов фаолиятини, аввало, ватанпарварлик тарбияси ва фуқаролик онгини шакллантириш билан боғлаш мумкин. Талабалар ва ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, ҳарбий-ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, уларни

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан баркамол қилиб тарбиялаш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [1]. Илмий тадқиқотларда ёшлар онгида ҳарбий-ватанпарварлик ҳиссининг сусайгани, уни қайта тиклаш учун таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланади [1]. Юсупов оммавий учрашувлар, учрашув-суҳбатлар ҳамда турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари орқали ёшларни муҳокама жараёнларига жалб этиб, уларнинг муаммо ва тақлифларини эшитиши ва тегишли идоралар олдига қўйиши билан мазкур назарий талабларни амалий майдонда рўёбга чиқаради. Бу орқали у “эшитувчи давлат” тамойилини амалга оширишга хизмат қиладиган халқ вакилларида бири сифатида намоён бўлади.

Юсупов фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий ташаббус гуруҳлари билан ҳамкорликда намоён бўлади. Илмий манбаларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини фақат мактаб ва олий таълим муассасалари доирасида чеклаб қўймасдан, ННТлар, жамоат бирлашмалари, маҳаллий кенгашлар, маҳалла институти ва бошқа тузилмаларни бу жараёнга кенг жалб этиш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Юсуповнинг муайян ҳудудларда спорт-маърифий тадбирлар, ватанпарварлик акциялари, ёшлар форумлари ҳамда маҳалла ва таълим муассасаларида учрашувлар ташкил этиши аҳолининг турли қатламлари билан мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик натижасида жамиятда ижтимоий шериклик муҳити шаклланиб, Юсупов давлат ва жамоат тузилмалари ўртасида “кўприк” вазифасини бажарадиган лидер сифатида жамоатчилик ишончини қозонади.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этиш амалиёти унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Илмий адабиётларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг муаммоларини институционал механизмлар орқали ҳал этиш давлатнинг долзарб вазифаларидан бири сифатида баҳоланади. Юсупов томонидан ўтказилган очик қабуллар, сайёр учрашувлар ва хонадонма-хонадон юришлар орқали инфратузилма, иш билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифати каби масалалар бўйича аниқ муаммолар ўрганилиб, тегишли давлат органлари иштирокида уларни ҳал этишга ҳаракат қилинади. Бу жараён “эшитувчи давлат” ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлиб, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ва қониқиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Юсуповнинг жамоатчилик фикрига кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотларда ватанпарварлик фуқароларнинг она юртига муҳаббати,

унинг тарихи ва бугуни билан фахрланиши, Ватан манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлиги сифатида таърифланади. Юсупов иштирокидаги тadbирлар, маърузалар ва оммавий чиқишларда, айниқса ёшлар билан мулоқот жараёнларида мазкур кадрятларнинг тарғиб қилиниши жамоатчилик онгида масъулият, фуқаролик бурчи ва ватанга садоқат ҳиссини мустаҳкамлайди. Шунингдек, Конституция, қонунлар ва давлат ислохотларининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказишга қаратилган фаолият жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ва жамоат арбобларининг шахсий намунаси муҳим аҳамиятга эга. Юсуповнинг очик мулоқотга тайёрлиги, танқид ва таклифларга нисбатан ҳолис муносабати, муайян масалалар бўйича қатъий позицияси унинг “оддий фуқароларга яқин” сиёсий ва жамоат арбоби сифатидаги образини шакллантиради. Бу эса жамоатчилик фикрида ижобий ишонч капитали пайдо бўлишига ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига рағбат уйғотади.

Шу тариқа, мавжуд назарий манбаларда ёритилган ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва фаоллигига оид қоидаларни Э.Ю. Юсуповнинг амалий фаолияти билан солиштириб таҳлил қилиш унинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги иштироки нафақат муайян ҳудуд ёки электорат учун, балки кенг маънода фуқаролик жамияти ва “эшитувчи давлат” моделини амалга ошириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Илмий адабиётларда умумий вазифа сифатида белгиланган ёшлар ва фуқаролар онгини юксалтириш, ватанпарварлик ва ижтимоий фаолликни кучайтириш мақсадлари Юсупов фаолиятида аниқ ҳудудий ва ижтимоий контекстда амалий ифодасини топаётганини қайд этиш мумкин.

Хулоса. Ушбу мақолада Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги иштироки унинг ёшлар билан ишлаш, ватанпарварлик ва ижтимоий-сиёсий онгни юксалтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш каби йўналишлар кесимида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари Юсупов фаолиятининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва жойлардаги ижтимоий муаммоларни манзилли ҳал этишга қаратилган амалий ташаббусларда намоён бўлишини кўрсатди.

Мақолада келтирилган назарий ёндашувлар ва адабиётлар таҳлили (хусусан, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокига доир қарашлар) Э.Ю. Юсуповнинг амалий фаолияти билан солиштирилган ҳолда баҳоланди. Бу эса унинг жамоатчилик билан очиқ мулоқотга тайёрлиги, мурожаатлар билан ишлаш амалиёти, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва турли жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда иш олиб бориши “эшитувчи давлат” тамойилининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлишини асослаш имконини берди.

Шунингдек, таҳлил натижалари Юсуповнинг жамоатчилик фикрида ишонч капитали шаклланишига ҳисса қўшиши, аҳолининг ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишлари билан фаол иштирок этишини кўрсатади. Унинг фаолияти орқали ёшларда Ватанга садоқат, масъулият, фуқаролик бурчини англаш ва ислохотларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш имкониятлари кенгайиши мумкинлиги ҳақида хулосага келинди.

Умуман олганда, Э.Ю. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик фаолияти муайян ҳудуд ёки электорат доирасидагина эмас, балки кенг маънода фуқаролик жамияти ривожини, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда “одам - жамият - давлат” ўзаро муносабатларида очиқ мулоқот маданиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим амалиёт сифатида баҳоланади. Келгусида Юсупов фаолиятини аниқ кейслар, индикаторлар (лойиҳалар натижаси, мурожаатлар ечими, аҳоли қониқиши каби) асосида эмпирик маълумотлар билан бойитган ҳолда ўрганиш мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг илмий қийматини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Safojev, N. (2021). Military-patriotic education of students as an actual pedagogical problem. *Education and Innovative Research*, 14(64).

<https://doi.org/10.53885/edinres.2021.14.64.034>

2. Ismoilov, B. I. (2018). *Jamoatchilik nazorati fuqarolik jamiyati institutlarining muhim mexanizmi sifatida. Huquq va jamiyat.*

(Original work in Uzbek)

3. Hakimov, R. (2011). *Mamlakatni modernizatsiya qilish jarayonida jamoatchilik nazoratining o'rnini va ahamiyati. O'zbekiston huquqiy axborotnomasi.*

(Original work in Uzbek)

4. Mamasiddiqov, M. (2014). *Fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda jamoatchilik nazoratining roli. Davlat va huquq masalalari.*

(Original work in Uzbek)

5. Sotib-Aldiev, A. A., & Mamurov, U. I. (2007). Harbiy vatanparvarlik tarbiyasi [O'quv qo'llanma]. Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi.
(Original work in Uzbek)
6. Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. (2023). Concept of military-patriotic education of youth for 2023–2027.
<https://lex.uz/docs/6518238>
7. Qambarov, A. (2023). The place and role of Central Asian thinkers in the formation of Uzbek philosophy. *Scientific Journal of the Fergana State University*, 29(5).
https://doi.org/10.56292/sjfsu/vol29_iss5/a14
8. Gafurov, R. (2018). Brief review of national legislation in the sphere of combating human trafficking. *Legal Studies Review*, 1, 37–40.
(Original work in English)